Эй инсонлар, Аллоҳ таоло жоҳилият манманликларини, хусусан, ўз оталари (насаби) билан манманлик қилишни сизлардан кетказди

Ибн Умар разияллоҳу анҳудан: Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳи куни инсонларга хитоб қилиб дедилар: «Эй инсонлар, Аллоҳ таоло жоҳилият манманликларини, хусусан, ўз оталари (насаби) билан манманлик қилишни сизлардан кетказди. Инсонлар икки хил бўлишади. Бирлари хайр-саҳоватли, тақводор, Аллоҳнинг наздида азиз бўлишади. Иккинчи тоифа инсонлар эса бузуқ, уятсиз, Аллоҳнинг наздида разил кимса бўлишади. Инсонлар Одам алайҳиссаломнинг болаларидирлар. Аллоҳ эса Одам атони тупроқдан яратган. Аллоҳ таоло айтади: {Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир. Албатта Аллоҳ билгувчи ва хабардор зотдир} [Хужурот: 13]».

[Саҳиҳ] [Термизий ва Ибн Ҳиббон ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам макка фатҳи куни инсонларга хитоб қилиб дедилар: Эй инсонлар, Аллоҳ таоло сизлардан жоҳилият кибри, мағрурликлари ва оталари билан фахрланишни йўқ қилди (қайтарди). Одамлар икки хилдирлар: Биринчи турдагилари мўмин, яхшилиқ қилувчи, тақводор, Аллоҳ таолога тоат ибодат қилувчи бўлишади. Бундай кишилар гар одамлар орасида аслзода ва насабдор бўлмасалар ҳам Аллоҳ наздида қадрли бўлишади. Иккинчи турдагилари эса кофир, фожир, жиноятчи бўлишади. Бундай кимсалар Аллоҳнинг наздида разил ва хўр бўлишади. Уларнинг аслзода, мансабдор ёки султон бўлишларининг ҳеч қандай қадри йўқ. Инсонларнинг барчаси Одам алайҳиссаломнинг болларидир. Аллоҳ таоло одамни тупроқдан яратди. Асли тупроқдан бўлган одам кибрланиши ва ўзини мақташи тўғри келмайди. Бунинг тасдиқи Аллоҳ азза ва жалланинг қуйидаги сўзидир: {Эй одамлар! Биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва сизларни ўзаро танишишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлилигингиз энг тақводорингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир} [Ҳужурот: 13].


النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY


لجنة الدعوة الإلكترونية
EDC
E-Da'wah Committee